

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОЭМЫ АМАНА МАТЧАНА “МИНГ БИР ЁҒДУ”

А.А. Шукуров¹, Г.Х. Бегматова²

Аннотация

Поэма Амана Матчана “Минг бир ёғду” создана под впечатлением книги Алишера Навои “Хамса”. В статье сделан лингвопоэтический анализ текста поэм. Основное внимание автор уделяет на использование в тексте поэмы нарицательных существительных в качестве собственных.

Ключевые слова: поэма, лингвистический анализ, текст.

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг бадийлиги, бадий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. ...Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилларда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса³.

Бинобарин, Омон Матжоннинг “Минг бир ёғду” достони Алишер Навоийнинг “Хамса” асари таассуротлари асосида яратилган. Унда илгари сурилган илғор ғоялар инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, тўғрилик, муҳаббат, садоқат, каттага ҳурмат, кичikka иззат, ота-онани эъзозламоқ, устозни ҳурматламоқ, билимга интилоқ, меҳнатсеварлик, озодалик, шукроналик каби эзгу фазилатлар замонавий руҳда ўзига хос талқин этилган. Айниқса, бу эзгу ғоялар мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлод учун ниҳоятда муҳим.

Шоир асар тили устида яхши ишлаган, тасвирда аниқликка, ғоявий мазмундорликка, таъсирчанликка эришган. Ўқувчини мулоҳазага чорловчи, туйғуларига таъсир этувчи шеърий санъатлар, тасвирий воситалар сўз маъноларининг кўчиш хусусиятларидан ўринли ва мақсадли фойдаланган.

Бадий матнда айрим сўзларни ижодкорнинг бош ҳарф билан қўллаш усули ва ёзма нутқда унинг мазмундорлик ҳамда таъсирчанликка хизмат қилиши ҳақидаги маҳоратига доир фикр юритилади. Бадий асар матнида айрим сўзларнинг бош ҳарфда қўлланиши шоир ва ёзувчи томонидан ўйлаб, ғоявий мазмун ва мақсадни ўқувчига таъсирли етказиш ҳамда унинг эътиборини тортишни кўзлаб амалга оширилади. Бу ўринда, услубшунос, адабий кузатув иши билан шуғулланувчи киши, меъёрий грамматика талабларини ҳисобга олиш билан бирга, морфологик ва синтактик воситалардан услубий мақсадда фойдалана олиш имкониятига ҳам аҳамият бериши лозим⁴.

Масалан, “Минг бир ёғду” достонида:

Лекин... нега бунча бегонасираймиз!?

Толемизда Нур борлигини билмаганимиз учунми?

деган мисра бор. Бу ерда “Нур” сўзининг бош ҳарф билан бошланиши ўқувчи диққатини ўзига тортади. Аввало, достоннинг “Минг бир ёғду” деб аталиб, нурга боғланишидаёқ ҳикмат бор. Сўнгра тирикликнинг моҳияти ҳам нурга бориб тақалади. Тириклик эса эзуликка уланади. Донишманд шоир А.Навоий ҳам нурни офтобни панжалари деб қайд этган, бу панжаларни инсон панжалари билан таъбир этган. Чиндан-да инсон қўлларида ҳам ҳарорат бор. Достон бошланмасида ҳам «Хамса»нинг ўзи асрларни ошиб, жаҳолат

¹Шукуров Аҳад Аҳмадович, Термезский государственный университет, Узбекистан.

²Бегматова Гулчехра Холмуродовна, Термезский государственный университет, Узбекистан.

³ Каримов И. Юксак маънавият- энгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008. 22-23-Б.

⁴ Омонтурдиев А. Ўзбек тили услубияти. – Термиз: 2006.32-б.

деворларини ўйиб келган жозибали нурга ўхшатишган. Бош ҳарф билан ёзилган «Нур» бу ерда улкан тарихий мерос, юксак инсоний қадриятлар, ўзликни англаш тимсолига айланган.

Бошқа бир ўринда шоир:
Юракнинг илоҳий нурга Интилишини,
Ҳоҳишини нима туғдиради?

деб ёзади. Бу ерда «Интилиш», «ҳоҳиш» сўзларининг бош ҳарф билан берилиши яна ўқувчи эътиборини жалб этади. Бу мисраларда ҳам «Нур» сўзи ҳатто «илоҳий» сифатловчиси билан турибди. Лекин шоир уларни бош ҳарф билан ёзмади, ўқувчи эътиборини «Интилиш», «ҳоҳиш» га қаратди. Ўша интилиш, ҳоҳиш юракда бор экан, ҳаракат самара томон кетади деган бир туйғу жилва қилади ҳаёлда. Муаллифнинг муддаоси ҳам ўқувчида шу туйғуни уйғотиш, буюк мутафаккир қарашларига унинг қалбини ҳамоҳанг қилишидир.

Ўтмишсиз бугун бўлмагани каби, бугунсиз эртани тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаёт, жамият тараққийси, тарих узлуксиз силсиладир. Достонда ўтмиш ва бугун ҳамда келажакка умид кечинмалари айрим тимсолларда, аниқроғи, тимсолли тасвирларда ифода топа борган. Бунда «Хамса» ғоялари суянчиқ қояга айланиб тургандай туюлади. Агарда: «Ўтмишда шамга ўзини урган парвона Қаҳрамон эди? деган мисра бор. Бу ерда, юзаки қараганда мумтоз шеърятдаги шам ва парвона тимсоллари назарда тутилгандай туюлади. Чуқурроқ ўйлаган ўқувчи адолат, ҳақиқат курашчилари, маърифат дарғалари, ўша бош ҳарф билан ёзилувчи «Нур» шайдолари кўзда тутилаётганини илғаб олади. Энди ушбу мисрада нега «Қаҳрамон» сўзи бош ҳарф билан ёзилган деган фикр ярқ этиб пайдо бўлади. Юқоридаги мулоҳазаларнинг ҳаёлга келишига ҳам аслида ана шу таъкид, бош ҳарф билан ёзилган «Қаҳрамон» сўзига эътибор сабаб бўлмадимиз, аслида? Ҳа, худди шундай. Бу ерда ҳам шеърятдаги тимсол, ҳам донишманд маърифатпарварларнинг фидойилиги ҳақидаги кўчма маъно «Қаҳрамон» сўзида ифода топган. Бу Қаҳрамонлик ҳурфикрликнинг тантанаси, ижодий тафаккур қанотларининг ёзилишидир.

Улуғ шоир А.Навоийнинг фикрича, Каъба олам қибласи бўлгани каби, инсон кўнгли ҳам иззат, қадр-қиммати кам бўлмаслиги даркор. Ана шу доно ўғитнинг амали ҳамиша ҳам устиворми? Донолар насиҳатига ҳамиша амал қиляпмизми? Ҳаёт, шароит, муҳит, сиёсат бу ўртага қўйилган ҳаққоний талабларни маърифат тараққийсини амалга оширишга имкон берадимиз?

Достон муаллифи ўтмиш кунларга, тўғрироғи, яқин ўтмишга назар ташлар экан, таассуф билан қуйидагича қайд этади:

Бугун нур парвоналари Жаҳолат, Бирқолипчилик, Яккафикрчилик ва ҳоказоларнинг Ялтироқ шишасига урилиб ўлдилар.

Бу парчада ўқувчи диққати қаратилиб, бош ҳарфлар билан ёзилган сўзларнинг биринчиси «Жаҳолат» арабчадан ўзлашган, тилимизда фаол қўлланиб келадиган сўз, у илм-маърифатдан маҳрумлик, қоқоқлик, маданиятсизлик, нодонлик маъноларини билдиради. Бу сўз билан ёнма-ён келиб, бош ҳарфлар билан битилган «Бирқолипчилик», «яккафикрчилик» сўзлари шоирнинг индивидуал ижодий неологизмларидир. Бу сўзларнинг ёнма-ён қўйилиб, бош ҳарф билан битилиши матнда ўзига хос услубий мазмун касб этган. Аслида бирқолипчилик, яккафикрчилик ҳам жаҳолат ёки жоҳиллик эмас. Аммо унинг мафкура даражасига кўтарилиши жаҳолатни келтириб чиқарадики, юқоридаги матнда худди шу маъно таъсирчан ифодасини топган.

Достонда бош ҳарф билан битилган баъзи сифатлар мураккаб руҳий ва дунёвий тушунчаларни ҳис қилишга даъват этади. Масалан, шоир:

Илоҳий сезгилари уйғоқ киши
Оламнинг Катта сари, Кичик томон ҳам

Чексизлигини англа! деб ёзади: Бу ерда дунёвий ва руҳий оламнинг ўнгтерс жиҳатларига ўқувчи эътибори тортилади, моддий ва маънавий оламнинг абадият ва чексизлик қўйнида эканлиги каби фалсафий тушунча ўртага қўйилган ҳамда уни ўқувчи тушуниши, ҳис қилиши, мулоҳаза этишига «Катта» ва «Кичик» сифатларининг бош ҳарфда ёзилиши ёрдамчи туртки беради. Бошқача айтганда, ана шу фалсафий тушунча маъносига кириш учун ўқувчи диққатини қаратишга хизмат қилади. Худди бўлинмас сонлар каби, чексизлик

оламни қамраб олган Катта олам сари қанча чексизлик кетса, Кичик олам томон ҳам шундай давомийлик мавжуддир. Бу эса ўзига хос илоҳий ифода топади.

Достонда «Ишқ», «Муҳаббат» сўзларининг бош ҳарфда берилиш ҳам ўзига хос маъно ва таъкид ифодасига эга. Масалан:

Парвоз шахдини Ишқ берган!

«Хамса» нинг биринчи муаллифи ҳам Муҳаббатдир!

Балки бу оламнинг ижодкори, муаллифи ҳам Ишқдир!

Бу ердаги мисолларда «Ишқ», «Муҳаббат» сўзлари фалсафий маъно ва умумлашма касб этган. Мумтоз адабиётимизда куйланган ёр, ишқ, май каби сўзлар ҳам рамзий тимсол кўчма маъно ифодаларига эгадир.

Юқоридаги мисолларда «Ишқ» ва «Муҳаббат» сўзлари ҳам ички интилиш, ижодкорлик, маърифат ва тафаккур кенглиги маънолари билан боғланган. Уларнинг бош ҳарф билан ёзилиши эса ўқувчи диққатини тортибгина қолмасдан, балки ана шу маъноларни таъкидлаш, урғу бериш, уларга ҳурмат ифода этиш белгиларини ҳам кўрсатади. Дарвоқе, кишиларга ҳурмат маъносидаги мурожаатларда сўзларни бош ҳарф билан ёзиш одати ёзма нутқимизда аввалдан мавжуддир.

Ишқ билан боғлиқ бир қатор тушунчалар бор. Садоқат, вафо, висол ва бошқалар шулар жумласидандир. Мумтоз адабиётимизда, жумладан, А.Навоий «Хамса» сида ҳам бу тушунчалар теранлик билан ифода этилган. Омон Матжон устоз аллома қарашлари билан боғлиқ равишда бу тушунчаларнинг маъно моҳиятини очишга ва уни бугунги кун ўқувчисига бўрттириб кўрсатишга интилади. Бунда ҳам тушунча моҳияти ва маъносидаги фалсафийлик идрок этилади. Масалан, ушбу достонда:

Лайли билан Мажнун бирлашуви

Вужуд устидан Рухнинг ғалабаси!

Шу боисдан бу Висол абадийдир! деган сатрлар бор. Бу ерда Висол абадийлиги тушунчаси юксак фалсафийлик касб этган.

Маълумки, Лайли ва Мажнун тирикликда қовуша олмади. Бу ошиқ машуқлар ҳаётда висол тополмай, вафотларидан кейин топишдилар. А.Навоий бу ҳолатни чиройли тасвирларда ифода этган:

Бир наъшқа солдилар икковни,

Ўлук келину жонсиз куёвни.

Вужуднинг вақтинчалиги ва руҳнинг абадийлиги билан боғлиқ фалсафа шарқ адабиётининг ўзак мавзуларидандир. Рух абадий экан, бу ошиқ машуқларнинг вужудда эмас, руҳда бирлашишлари ҳам абадийликка эришувидир. Шу ўринда, мамнуният билан академик С.Шермухамедовнинг: "...“Олам – одам” муносабатлари тизими кўп қиррали ва ранг-баранг муаммоларни ўз ичига олади. Обьективлик ва субъективлик, моддийлик ва маънавийлик, борлик ва тафаккур, жисм ва руҳ, маънавият ва рухият, улар ўртасидаги диалектик алоқадорлик¹ ...ҳақидаги қимматли фикрларини эслаб ўтишни лозим деб топамиз. Шу маънода юқоридаги сатрларда «Висол» сўзининг бош ҳарф билан битилиши юксак маъно таъкиди ифодасини топади.

Висол ошиқни ғамдан қутқарувчи манзил. Шу маънода достонда берилган қуйидаги сатрлар янада кучлироқ ижтимоий маъно касб этади:

Ошиқни ғамдан Висол қутқарса,

Элни ғамлардан Адолат озод этади.

Бу ерда Висолнинг Адолат билан муқояса қилиниши ва бош ҳарф билан белгиланиши услубий таъсирчанликка, мазмун аниқлигига ва образли мушоҳада юритишга хизмат қилган.

Достонда «Адолат» сўзининг бош ҳарфда ёзилиши бир неча ўринларда келади. Бу сўз Адолат қайғуси, Адолат фикри, Адолат жанги, Адолат излаган, Адолат қондаси, Адолат ва Шоҳ каби бирикмаларда келиб, ҳақиқатгўйлик мафкура-сининг, хурфикрлиликнинг хилма-хил қирраларини очишга хизмат қилган. Бу ижтимоий ҳаёт, ижтимоий тузум, ижтимоий муҳит билан боғлиқ жараёнлар тасвирини ўқувчи кўз олдида намоён қилиш ва уни қалб ҳамда тафаккур призмасидан ўтказишга ёрдам беради.

¹ Шермухаммедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: “Фан”, 2005.21-б.

Шоир ўрни билан бу сўз ёрдамида янги сўз ҳосил қилиб, маънони ифодали беришга ҳам эришади.

Масалан:

Ҳар халқ, ҳар миллат ўз тарихини ўзи ёзсин!

Бу - унинг Адолатномаси бўлсин!

Ҳар миллат, ҳар халқнинг ўз тарихини ўзи ёзишига даъват, аслида, икки маънога эга: биринчидан, тарихни яратувчи халқдир. Бу ерда шу маъно ҳам ифода топган. Иккинчидан, уни солномага солиш, яъни илмий баён этиш ҳам халқнинг ўзи ва ўз зиёлилари томонидан битилиши тўғрилиқ, ҳаққонийлик касб этади. Чунки фарзанд отасига хиёнат қилмайди ва бу тарих унинг меросий мулкидир. Тарихнинг Адолатнома бўлиши ҳам шу икки маъно билан боғлиқ. Биринчидан, халқ тарихи, унинг ижтимоий тараққиёти адолатга асосланиши даркор.

Агар унинг турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёт, адолатга таянса, тарихи ҳам адолатли ҳаёт намунасига айланади. Бу фикр ва қарашлар А.Навоий дostonларида қизил ип сингари тизилиб ўтгандир. Шоир Омон Матжон бу қарашларга ўз замондоши кўзи билан қараб, муносабат билдирган. Бунда у яратган окказионал маъноли сўз, Адолатноманинг бош ҳарф билан ёзилиши таъсирчан лексик воситага айланган.

Дostonда «Адолат» мавқеи билан боғлиқ бир қатор талаб ва эҳтиёжлар ҳам ўртага қўйилган. Булар инсон, яъни якка шахс эҳтиёжи ёки умумижтимоий эҳтиёж ҳолатида бўлиши мумкин. Барибир, уларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди, чунки инсон жамиятсиз яшай олмаганидек, жамият ҳам шахс талабларини, эҳтиёжини қондирувчи майдон, муҳит, манзилдир. Шунинг учун ҳам шоир:

Ўзлигини, кайфиятини аён эта билган киши

Имкон, Эрк, Бурч ҳуқуқини талаб этади, деб огоҳ этади.

Бу парчада «Имкон», «Эрк», «Бурч» сўзларининг бир жойда ҳуқуқ тариқасида ифода этилиши ва бош ҳарф билан ёзилиб, қайд этилишининг ўзига хос услубий маъноси бор. Чунки, инсоннинг ўзлигини намоён этиши учун имкон майдони керак, имконнинг яратилиши унинг эрк билан таъминланишидадир. Бу эрк унга ижтимоий бурч масъулиятини юклайди. Бунинг ҳуқуқий талаб эканлиги эса ушбу сўзларнинг ижтимоий ва фалсафий маъносини равшанлаштиради.

Ҳуқуқий талаблар, юқорида таъкидлаганимиздек, фақат якка шахс томонидангина эмас, балки умумхалқ, умуммиллат томонидан ҳам ўртага қўйилиши мумкин. Бу ижтимоий талаблар нималарда кўринади? Масалан, у қуйидагича бўлиши ҳам мумкин:

Ҳар миллат ўз ерида, ўзи ҳоҳлаган,

Қулай ва қойим бўлган,

Бола-чақасига ҳам.

Мерос, қонун-қоида қилиб қолдириши мумкин бўлган

Ҳаёт, Шароит, Тузум, Тартибни

Танлашга, Ўрнатишга ва Яшашга Ҳақли!

Бу матнда бош ҳарф билан ёзилган сўзлар инсон, халқ ва миллатнинг ижтимоий ҳаёт тарзининг моҳиятини акс эттиради. Бу бош ҳарфли сўзларнинг биринчи тизими «Ҳаёт», «Шароит», «Тузум», «Тартиб» шаклида келган. Бу миллатнинг ижтимоий яшаш тарзининг кўринишлари, тасвирларидир. Иккинчи қаторда келган бош ҳарфли сўзлар ана шу яшаш тарзининг ҳуқуқий жиҳатини ифода этади. Бу сўзларнинг бош ҳарф билан ёзилиши уларнинг ўқилиши ва тушинилишини алоҳида таъкидлар тарзида ифода этади. Таъкид эса мазмунни кучайтиришга, аниқлаштиришга хизмат қилади.

Асарнинг сўнгги қисмларида шоир:

Ўзинг танла, сайла энди

Эрк, Адолат, Мустақиллик,

Тенглик, Дўстлик, Тинчлик,

Номли шоҳларни, дея ўз халқига мурожаат этади. Бу мисраларда бош ҳарф билан битилган сўзлар халқнинг ва унинг улуғ фарзандларининг асрлар оша орзуси бўлиб келди. Буюк донишманд А.Навоийнинг «Хамса»сида ҳам унга интилиш, уларни ўз халқи ҳаётида, ўз юртида кўриш орзуси жўшқин тасвирларда намунали тимсолларда кучли ифодасини топгандир. Бугунги кунда халқимиз бошида Истиқлол шамолининг эсиши ана шу орзуларнинг тўла рўёбга чиқишига

имкон яратади. Шундай қилиб, Омон Матжон ўзининг «Минг бир ёғду» достонида ғоявий мундарижани ифодалашга хизмат қилувчи сўзларни бош ҳарфларда ёзиб, тасвир ва бадиий мазмунни аниқлаштиришга эришган.

Адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият- энгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Омонтурдиев А. Ўзбек тили услубияти. – Термиз: 2006.
3. Шермуҳаммедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: “Фан”, 2005.
4. Омон Матжон. Минг бир ёғду.Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1989 йил.175-б.

©А.А. Шукуров, Г.Х. Бегматова, 2019
